



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**И.Б.Маттиев** – СамИСИ профессори, DSc

| <b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>   |     |
|---|-----|
| <b>Гулнора Мардиевна Шадиева</b><br>Малый бизнес как фактор социально-экономического развития Узбекистана   | 155 |
| <b>Laziz Niyozovich Xudoyorov</b><br>Qashqadaryo viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishning ustuvor yoʻnalishlari  | 160 |
| <b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>   |     |
| <b>Dilafroz Saidbaxromovna Saidaxmedova</b><br>Qurilish korxonalarida sifat menejmenti tizimini samarali joriy etish: tahlil va takliflar   | 164 |
| <b>Ибодулла Хасанович Ибрагимов</b><br>Персонализация как драйвер повышения результативности транзакционных маркетинговых кампаний  | 167 |
| <b>Baxtiyor Nabijanovich Dedajanov</b><br>Tovar-moddiy zahiralarni erkin talab sharoitida boshqarish – korxonalar operatsion faoliyatining samaradorligini oshirish garovi              | 171 |
| <b>Xilola Nematovna Ochilova</b><br>“Kompensatsiya va imtiyozlar” fanining mazmuni, mohiyati va ahamiyati   | 175 |
| <b>Ирода Аминжонова Умурзакова</b><br>Совершенствование организационно-экономических механизмов маркетинга в условиях цифровой трансформации сферы услуг                                | 180 |
| <b>Botir Hayat Muradov</b><br>Togʻ-kon sanoati korxonalarining yashil iqtisodiyotga oʻtish muammolari va yechimlari   | 183 |
| <b>Zuhriddin Nuriddinjon oʻgʻli Salohiddinov</b><br>Iqtisodiy jarayonlarda resurslardan foydalanish va taqsimot modellari   | 186 |
| <b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>   |     |
| <b>Ойдин Давроновна Хамракулова</b><br>Инвестиции и становление инновационного пути развития экономики Узбекистана  | 192 |
| <b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>  |     |
| <b>Bobur Farxodovich Boronov, Shahboz Shodi oʻgʻli Rajaboyev</b><br>Raqamli iqtisodiyot sharoitida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari xizmatlarining tavsifi va buxgalteriya hisobi | 197 |
| <b>Otabek Olimjonovich Sobirov</b><br>Boshqaruv hisobini tashkil etishning nazariy asoslari   | 202 |
| <b>Xurshidjon Nazrullo oʻgʻli Abdullayev</b><br>Ekologik audit oʻtkazishning usullari va tartib-qoidalari   | 205 |
| <b>Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva</b><br>Chakana savdo aylanmasining mohiyati va rivojlanishi  | 211 |
| <b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>   |     |
| <b>Shaxnoza Ergashevna Samandarova</b><br>Boshlangʻich va umumiy oʻrta taʼlim matematika taʼlimida uzviylik muammosining nazariy asoslari   | 214 |
| <b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>  |     |
| <b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b><br>Самарқанд ҳаётидаги олти муаммо, олти таклиф ва олти натижа  | 217 |

## ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

### **Олти муаммо, олти таклиф ва олти натижа: Самарқанд ҳаётидаги янги юзланишлар**

Самарқанд — нафақат тарих, балки келажак маскани. Шунинг учун бу шаҳардаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир ҳаракат — бутун жамият тараққиётининг бир бўлагидир. Мустақиллик йилларида, айниқса сўнгги саккиз йил ичида ислохотлар самараси бор. Аммо бугун ҳам жамиятнинг юзи бўлмиш аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ечим талаб этувчи муаммолар бор. Уларни бартараф этиш учун мутахассислар томонидан олти йўналишда таклифлар ишлаб чиқилди. Биз эса уларни халққа тушунарли ва таъсирли тарзда ёритишга ҳаракат қилдик.

#### **1. Маънавиятга “ҳалоллик вакцинаси” керак!**

Сўнгги пайтларда мафкуравий бўшлиқ айрим жамият қатламларида турли иллатлар билан тўлиб бормоқда. Маънавий тарғибот ишлари, айниқса “ҳалоллик” мавзусидаги фаоллик баъзи жойларда кутилган даражада эмас. Бу — келажакимиз учун хавф.

**Таклиф:** Вилоятдаги Маънавият ва маърифат маркази қошида, илмий ва диний мутахассислардан иборат 5 та махсус гуруҳ тузиш. Ҳар ҳафтанинг бир кунини “Маънавий тарғибот куни” деб белгилаб, аҳоли билан учрашувлар ўтказиш.

**Натижа:** Аҳоли дунёда ва мамлакатимизда юз бераётган воқеаларни англайди, миллий қадриятларга дахлдорлик ҳисси ортади. Коррупцияга қарши иммунитет, яъни “ҳалоллик вакцинаси” шаклланади.

#### **2. Интернет орқали “заҳарланган” онглар**

Ёшлар ва катталар ижтимоий тармоқлардаги ёлғон ахборотлар таъсирига тушиб қолмоқда. Бу — ахборот урушининг ўзгача кўриниши. Агар биз ҳақиқатни етказмасак, бошқалар ўз ёлғонини сингдиради.

**Таклиф:** Ҳар ҳафта долзарб мавзуда қисқа ва таъсирли маърузалар тайёрлаб, уларни маҳаллаларга электрон тарзда етказиш. Бу ишни етакчи олимлардан иборат кенгаш назорат қилсин.

**Натижа:** Жамоат онгида таҳлил ва танқидчанлик қобилияти ошади. Ёлғонга ишонмаслик, маълумотни саралаш кўникмаси пайдо бўлади. Турли ғаразли ғояларга нисбатан иммунитет шаклланади.

#### **3. Китоб дўкони борми? Сартарошхона-чи?**

Ажаб, бир томондан — аҳолида хизматларга эҳтиёж юқори, иккинчи томондан — уларни ташкил этиш учун катта сармоя талаб қилинмайди. Лекин ўртада — ташаббуссизлик.

**Таклиф:** Ҳар бир маҳалла аҳолиси сонидан келиб чиқиб, сартарош, китоб дўкони, хонани тозаловчи ходимлар каби хизматлар учун норматив ишлаб чиқиш. Ушбу мутахассисларни МОНОМАРКАЗ орқали ўқитиш.

**Натижа:** Иш билан бандлик ошади, хизмат кўрсатишда сифат юқори бўлади. Маҳаллаларда ҳаёт шунчаки яшаш эмас, фаровонлик билан яшашга айланади.

#### **4. “Марака” учун овқат тайёрлаш ҳам хизмат!**

Ҳозир кўпчилик аёллар ишлайди, вақт танқис. Аммо тўй, ҳаёт, ёвла, таъзия — ҳаёт тўхтамайди. Уйда овқат тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ишлари эса эскича услубда қолмоқда.

**Таклиф:** Овқатланиш шаҳобчалари рақамли технологиялар асосида хизматларни уйга етказиб бериш, ҳатто зарур ҳолда асбоб-ускуналарни ҳам таъминлаш тизимини йўлга қўйсин.

**Натижа:** Аҳоли қониқаётган, ишбилармонлар даромад қилаётган, янги иш ўринлари яратилаётган мукамал хизмат тизими шаклланади. Камбағаллик — бир зина пастлайди.

#### **5. Имом Бухорий бўлса, зиёратчи келаверади**

Биздаги муқаддас зиёратгоҳлар — Имом Бухорий, Шоҳи Зинда, Маҳдуми Аъзам каби номлар — ислом оламида нур сочади. Аммо уларнинг тарғиботи етарли эмас.

**Таклиф:** Зиёрат объектларини кенг тарғиб қилиш, Имом Бухорий мажмуасини очиш маросимини халқаро даражада ташкиллаштириш, хизматлар сифатини яхшилаш.

**Натижа:** Туризм, хусусан зиёрат туризми ривожланади. Самарқанд дунё мусулмонлари қалбига янада яқинлашади. Меҳмонхона, овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида иш ўринлари кўпайади.

#### **6. Туристлик қишлоқ бор, аммо хизмат-чи?**

Турист келди — лекин унга гўзал табиатдан ташқари қандай хизматлар кўрсатамиз? Шунинг учун улар кўпинча бир кунлик ташриф билан кифояланади.

**Таклиф:** Туристлик маршрутларни қайта кўриб чиқиш, гидларни тайёрлашни кучайтириш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини фаоллаштириш.

**Натижа:** Турист Самарқандда узоқроқ қолади, кўпроқ сарфлайди, кўпроқ таассурот олади. Аҳоли ишли бўлади, хизмат ва товар экспорти ҳудуднинг ўзида амалга ошади.

Олти муаммо — бу муаммо эмас, балки олти имконият. Агар бу таклифлар ҳаётга татбиқ этилса, вилоятда нафақат иқтисодий ўсиш, балки маънавий юксалиш ҳам кузатилади. Энг муҳими — халқ фаровонлиги ва ишонч билан яшаш муҳити яратилади.

**Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.**

**Ирода Пардаева – СамДЧТИ доценти, филология фанлари бўйича PhD**

#### **Охир замон нишонаси**

Аъробийдан сўрашди: “Охир замонда эканимизни қандай биламиз?”.

У деди: “Ҳақни сўзловчи киши сўзи учун товон тўлаганда ва ёлғон гувоҳлик берувчи киши сўзи учун ҳақ олган вақтда”.

**Шайх Муҳаммад ҲАСАН.**

#### **Япон ўқитувчисининг шогирдларига сўнгги топшириги**

Ижтимоий тармоқда бир япон ўқитувчиси ҳақида пост кўриб қолдим. Айтилишича, оғир касалга чалинган бир япон ўқитувчиси ўлими яқинлигини сезиб сўнгги марта мактабга келиб доскага шундай сўзларни ёзиб кетибди:

\* \* \*

“Бу сизларга охирги гапим! Сизларга берган охирги уйга вазифани топшириш муддати йўқ! Вазифа шу — барчангиз бахтли бўлинг!

\* \* \*

Сиз уйга вазифани топширишга тайёр бўлганингизда, мен жаннатда бўлсам керак деб умид қиламан! Шошилмасдан уйга вазифани бажаринг ва хаёлан менга юзланиб: "Устоз, мен уйга вазифани бажардим" десангиз, хурсанд бўламан! Кутаман!”

\* \* \*

Бу устознинг донолиги шундаки, топшириқни бажариш — бахтли бўлиш учун айрим нарсаларга амал қилиш жуда ҳам керак: Илм ё касб ўрганмасангиз — бахтли бўлолмайсиз, китоб ўқимасангиз — нимадир кемтик, яхши турмуш ўртоқ бўлмасангиз — асло бахт эмас.

\* \* \*

Яхши ота ёки она бўлмасангиз бахтдан умид қилманг, яхши фарзанд бўлмасангиз — бахт ҳақида ўйлаб ҳам ўтирманг. Бировнинг умрини “еб” бахтли бўлолмайсиз, ўғирлик, бахиллик, ҳаромхўрлик ҳеч кимга бахт келтирмаган.

\* \* \*

Иймон, виждон бутун бўлмаса — бахтга йўл ҳам йўқ... Хулоса шу — бахтли бўлишга ҳаракат қилинг, кўп нарсадан ютасиз.

Манба: <https://zarnews.uz/mutolaa/yapon-oqituvchisining-shogirdlariga-songgi-topshirigi>.

\* \* \*

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{8}$ . “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.